

Ҳурматли абитуриент!



Ҳурматли абитуриент!

Аввало, Сизга мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасидан бизнинг **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти** танлаганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бизнинг жамоа ўз олдига замонавий билимларни эгаллаб, соҳанинг етук мутахассиси бўлишни ҳамда жонажон Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишни ният қилган интилувчан ёшларга ўз мақсадларига етишишида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва бор имкониятларини сафарбар этади.

2020-2021 ўқув йилида **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти** кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича **32 та** бакалавриат таълим йўналишларида **2075 нафар** талабани қабул қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларнинг олий таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар йилдан-йилга кенгайиб, инсон капиталига давлат томонидан жуда катта инвестиция киритилмоқда. Бундай ғамхўрлик натижасида талабаликка қабул қилинган ёшлар сони охиригача уч йилда уч баробарга ортди. Жорий йилда абитуриентларнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш тўлиқ масофадан амалга оширилди.

Бизнинг **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига** кириш учун **16666 нафар** абитуриент ҳужжатларини рўйхатдан ўтказдилар.

Бугунги кунда бутун жаҳонда кечаётган пандемия сабабли мамлакатимиз олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари муддатлари кечиктирилди. Бу аввало, Сиз – ёшларнинг саломатлигингизни ўйлаб, ўз билимингизни намоён қилиш учун қулай ва хавфсиз шарт-шароит яратиш мақсадида қилинди.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан кириш имтиҳонлари шаҳарлар ва вилоятлардаги марказий стадионларда, яъни очиқ майдонларда карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда **2020 йил сентябр ойининг 2-санасидан бошлаб** ўтказилиши режалаштирилди.

Сиз **паспортингиз ва ДТМ рухсатномангиз** билан рухсатномада кўрсатилган манзилга белгиланган вақтда етиб келишингиз зарур. Эслатиб ўтамиз, ДТМ рухсатномаларини жорий йилнинг **22 августидан бошлаб ДТМнинг dtm.uz сайтидаги шахсий кабинетингиз** орқали олишингиз мумкин!

АЗИЗ АБИТУРИЕНТ !

Имтиҳон куни белгиланган манзилга карантин қоидаларига риоя қилиб, хавфсизлигингизни таъминлаб, яхши кайфиятда ва ўз вақтида етиб келишингизни сўраймиз.

Азиз ота-оналар ва яқинларингиздан имтиҳон кунлари уйда қолиб, имтиҳон жараёнларини онлайн кузатиб боришларини сўраймиз.

Кириш имтиҳонларининг ўтиш муддати, жадвали ва натижалари ҳамда ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавобларни **tiame.uz** сайти, **TIAME.ABITURIENT.telegramm** каналдан олишингиз, шунингдек **admin@tiame.uz** электрон почта ёки **71-237-19-36, 71-237-09-75, 71-237-19-87** рақамли телефонларга мурожаат этишингиз мумкин.

Унутманг, фақат пухта тайёргарлик ва кучли билим билангина талаба бўлиш бахтига муяссар бўлишингиз мумкин. Шундай экан, бир дақиқа ҳам билим олиш ва ўз устингизда ишлашдан тўхтаманг. Сизга ушбу синовлардан мувоффақиятли ўтиб олишингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Омад ёр бўлсин!

Ҳурмат билан,

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
ректори, профессор
Ў. Умурзаков**